

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 501 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2008 йил 14 октябрдаги 658-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1869, 2008 йил 11 ноябрь) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Қ. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 14 сентябрь,  
729-сон

Ўзбекистон Республикаси  
мудофаа вазирининг 2015 йил  
14 сентябрдаги 729-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 5. Тошкент шаҳри	129	1/36	».
--------------------	-----	------	----

Hujjat 2015 yil 28 sentabr holatiga

**501-502-моддалар**

**— 10 —**

**38 (694)-сон**

2. 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.